

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**« МЕНЕЖМЕНТ » кафедраси**

**«ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»**

«Менежмент» кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ и.ф.д. Х.С. Мухитдинов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил

**« ТАСДИҚЛАЙМАН»**

«Иқтисодиёт» факультети

декани \_\_\_\_\_ и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

5340200-“Менежмент” йўналиши кундузги бўлим IV курс, МЖ–41 гуруҳ талабаси **Кўчимова Лобар Орифовнанинг** “Нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллари” (Муборакнефтгаз унитар шўъба корхонаси мисолида) мавзусида

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

---

**БАЖАРДИ:** “Менежмент» (тармоқ ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши битирувчи IV -курс талабаси **Кучимова Л.**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**  
**Р. Оманов.** “Менежмент”  
кафедраси доценти

**Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди**  
\_\_\_\_\_ сонли баённома « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012й.

**ҚАРШИ – 2012 йил**

**I.Боб. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш назарий асослари.**

**1.1. Маҳсулот сифатини бошқариш мазмуни ва моҳияти.**

**1.2. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг ташкилий асослари.**

**1.3. Маҳсулот сифатини бошқариш тамойиллари.**

**II.Боб. Муборакнефтваз унитар шўба корхонасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.**

**2.1. Муборакнефтваз унитар шўба корхонасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг усуллари тавсифи.**

**2.2. Муборакнефтваз унитар шўба корхонасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили.**

**III.Боб. Нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллариининг такомиллаштириш йўллари.**

**3.1. Маҳсулот сифатини бошқариш ташкилий тузилмасини такомиллаштириш.**

**3.2. Маҳсулот сифатини бошқариш иқтисодий усуллар самарадорлигини такомиллаштириш.**

**Хулоса ва таклифлар**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## **КИРИШ.**

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ўтган йил натижаларига атрофлича тўхталиб, жорий йил вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Юртимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт

банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Дунё иқтисодиётида юз бераётган инқироз ҳолатларига қарамасдан, 2011 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қўлга киритилаётган шароитида, нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллариининг муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва ечими юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қўлга киритилаётган шароитида, нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллари борасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг мақсадини ташкил этади.

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб битирув малакавий ишида қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилмоқда:

- маҳсулот сифатини бошқариш усуллари моҳияти ва тамойилларини тадқиқ этиш;
- маҳсулот сифатини бошқаришни ташкилий асосларини ўрганиш ва тавсифлаш;
- маҳсулот сифатини бошқаришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш;
- корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш усуллариини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг объекти** сифатида республикамызда фаолият кўрсатаётган корхоналар танланган, хусусан мавзуни ёритишда “Муборакнефтваз” унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 хўжалик йилларидаги фаолияти натижаларидан фойдаланилган”.

**Битирув малакавий ишининг предмети** сифатида корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш усулларида рўй бераётган бошқарув ва иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий асослари бўлиб республикамыз Президенти асарларида етакчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида илгари сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар хизмат қилади. Шунингдек, мазкур тадқиқотни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

**Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллариини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга имкон беради.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қўлга киритилаётган шароитида, нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллари асосланиб берилган ва тавсифланган.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши қуйидагича: кириш, асосий қисмида 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, илмий ва амалий аҳамияти, илмий янгиликлари ўз аксини топган.

Асосий қисмининг биринчи бобида корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш мазмуни ва моҳияти; маҳсулот сифатини бошқариш тушунчаси ва тамойиллари; маҳсулот сифатини бошқаришдаги ташкилий асослари келтирилган.

Иккинчи бобида “Муборакнефтваз” унитар шуъба корхонаси иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили; “Муборакнефтваз” унитар шуъба корхонасининг умумий тавсифи ва ташкилий тузилиши; “Муборакнефтваз” унитар шуъба корхонасининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг самарадорлиги таҳлили келтирилган.

Учинчи бобда корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш ташкилий тузилмасини такомиллаштириш; корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот


сифатини бошқариш иқтисодий усуллар самарадорлигини такомиллаштириш йуллари ўз аксини топган.

Хулоса қисмида битирув малакавий иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасидан олинган хулосалар ва таклифлар берилган.

## **I.Боб. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш назарий асослари.**

### **1.1. Маҳсулот сифатини бошқариш мазмуни ва моҳияти.**

Сифат - мураккаб ва универсал категория бўлиб, у кўплаб хусусият ва жихатларга эгадир. Қайси мақсадда фойдаланишига қараб сифат тушунчасини қуйидаги жихатлари намоён бўлади: фалсафий, ижтимоий, техникавий, иқтисодий ва ҳуқуқий.



#### **1.1.1.расм. Сифат тушунчасини намоён этувчи асосий жихатлари**

Фалсафий нуқтаи назардан қараганда сифат аниқ мазмун ва моҳиятга эга бўлиб, бошқалардан фарқ қилади. Аввалам бор унинг айрим хусусиятлари ва бошқалардан фарқи намоён бўлишига қарамай улар ўзаро узвий боғлиқликда экани намоён бўлади. Қолаверса, сифат кўплаб хусусиятлар мажмуасидан таркиб топади, улар чексиз бўлишлари ҳам мумкин. Бу эса моддий манбаларга ва турлича дунёқарашларга асос бўла олади.

Сифатнинг ижтимоий жихатлари муайян субъект билан ёки жамият билан боғлиқ бўлиб у истеъмолчилар ва маҳсулот (хизматлар) орасидаги муносабатдир. Бу ерда сифат категория кўринишида намоён бўлиб талаб ва таклиф қонуниятларига жавоб беради, ҳамда истеъмолчиларнинг маданияти ва даромадларига бевосита боғлиқ бўлади.

Сифатнинг техник жихатлари ўрганилаётган объектнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу ерда физикавий, электрокимёвий ва механик ўзгаришлар бир турдаги вазифани бажарувчи маҳсулот (моддалар) хусусияти ҳақида сўз юритилади. Мухандислик нуқтайи-назардан олинганда ўрганилаётган маҳсулот сифати ва хусусиятлари эталонлар билан таққослаб ўрганилиши назарда тутилади.

Иқтисодий нуқтаи назардан олганда сифат - ўрганилаётган манбаъни истеъмол хусусиятларини ва қийматини намоён этади.

Истеъмолчиларнинг бу борадаги фикрлари турлича бўлиши - сифат даражасини аниқлашда техник-иқтисодий жихатлари биргаликда таҳлил қилишни тақазо этади ва бу тажрибани аниқлик даражасини кўпайтиради.

Халқаро ИСО 9000-1994 системасига мувофиқ Сифат - шартланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган маҳсулот ёки хизматларнинг хусусияти ва тавсифлари мажмуасидир.

Д. Джуран - сифат системаси бўйича етакчи мутахассис, Америкалик олимнинг

фикрича, Сифат - "фойдаланиш (истеъмол) учун яроқлик". Бу тушунча тўртта ўзига хос элементга эгадир:

- Маҳсулотни шакли, тузилишини (дизайни) истеъмолчилар ўзларида идрок қилишлари;
- Маҳсулотнинг проектига ва вазифасига мослиги;
- Маҳсулотни истеъмолчиларга маъқуллиги, чидамлиги ва таъмирлаш мумкинлиги;
- Маиший хизмат корхоналарининг мавжудлиги.

Немс тадқиқотчилар сифатга қуйдагича таъриф берадилар: Сифат - маҳсулот ёки хизматларнинг барча хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб улар ўз вазифаларини бажара олишларини кафолатлайди.

Фан-техника тараққиёти билан бирга барча тараққиётларнинг сифат ҳақидаги фикирлари турли-туман бўлшига қарамай улар доимо бир-бирларин тўлдириб келмоқда ва ҳеч қачон қарама-қарши бўлмаган. Бозор рақобатчилиги даврида товар ва хизматлар турлари қанчалик кўпайиб борар экан сифат тўғрисидаги тасаввуримиз ҳам ўзгариб бораверади. Сифат ўзининг ҳақиқий мазмунини ва моҳиятини "сифат халқаси" деб номланган, товар ва хизматларнинг ҳаётини жараёнида тўла ифодаланади.



1.1.2.расм. Сифат халқаси

Маҳсулот сифатини бошқариш — маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир.


Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий-техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий-иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорида бўлиши керак чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиққунча унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

**Маҳсулот сифатини таъминлаш** ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу

ерда маҳсулот сифати маҳсулотни тайёрлаш меъёрий-техникавий ҳужжатлар, жиҳозлар, ускуна ва асбоблар, олинадиган хом ашё, материал ва жамловчи буюмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни биринчи босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилиши сифати сақлаш ва транспортлаш сифатларидан йиғилади. Фойдаланишдаги маҳсулот сифатига келганда, у фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ва таъмирловчи ходимлар малакасига боғлиқ. Фойдаланишда маҳсулот сифатини баҳолаш мезони унинг кўрсаткичлари илова қилинган техникавий ҳужжатларда қайд қилинган мос кўрсаткичларга, яъни қондириши зарур бўлган амалий эҳтиёжларга мувофиқлиги даражасидир.

Айтиб ўтилган босқичлар маҳсулотнинг ҳаётини ташкил қилади. Унинг фойдаланиш босқичидаги муддати ҳар бир босқичда эришилган сифат даражасига боғлиқ.



### 1.1.3.расм. Маҳсулотнинг ҳаётини ташкил қиладиган босқичлари.

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади.

Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "сифат сиртмоғи" мавжуд. Бу босқичларга:

- маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олиш сифат даражаси шакллантириш, меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ишлаб чиқарувчи корхона имкониятларини таҳлил қилиш;
- сифатли хом ашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий-техникавий таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;
- тегишли меъёрий-техникавий ҳужжатлар ва стандартларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатни баҳолаш;
- тайёр маҳсулотни сотиш, маҳсулотни сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнларида унинг сифатини сақлаб қолиш;
- тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш, сифатини таъминлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қониққанлиги даражасини баҳолаш.

Маҳсулот ҳаётини ташкил қиладиган босқичи уни фойдаланишга тиклаш (утилизация) ва қайта тикланган моддалардан тўлиқ фойдаланишдир.

Сифат — бошқариш объекти. Сифатни бошқариш назариясини ишлаб чиқишга атоқли олимлар П.Л. Чебишев, А.М. Ляпунов, И.Г. Венецкий, А.М. Длин, У.А. Шухарт, Э. Дэминг, А.Фейгенбаумлар катта ҳисса қўшганлар.

Сифатни бошқариш замонавий назарияси шундан келиб чиқадики, сифатни бошқариш бўйича фаолият маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин самарали бўлиши мумкин эмас, бу фаолият маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнидан одинги маҳсулот сифатини таъминловчи фаолият ҳам муҳимдир.

Сифат кўпгина тасодифий, маҳаллий ва субъектив омилларнинг таъсирига боғлиқ. Бу омиллар сифат даражасига кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш учун сифатни бошқариш тизими зарур. Бунда айрим уюлмаган ва тасодифий ҳаракатлар эмас, балки сифатнинг тегишли даражасини сақлаб туриш мақсадида маҳсулотни яратиш жараёнига мунтазам таъсир қилиш чоралари мажмуаси зарур.

Сифатни бошқаришда тизим, муҳит, мақсад, дастур ва бошқа тушунчалардан фойдаланиши муқаррар.

Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар ажратилади. Бошқарилувчи тизим ташкилот (фирма ва бошқа тузилмалар) ни бошқаришнинг турли даражаларидан иборат. Бошқарувчи тизим сифат менеджментини яратади. Замонавий адабиёт ва амалиётда сифат менеджментининг қуйидаги концепциялари қўлланади:

- сифат тизими (Quality system);
- сифатни бошқаришга асосланган, менеджмент тизими (Quality Driven Management System);
- умумий сифатни бошқариш (Total Quality Management);
- сифатни таъминлаш (Quality Assurance);
- сифатни бошқариш (Quality Control);
- сифатни статистик назорати (Statistical Quality Control);
- сифатни таъминлаш тизими (Quality Assurance System);
- маҳсулотни кафолатлаш (Product Assurance);
- умумий ишлаб чиқариш менеджменти (Total Manufacturing Management);
- илғор ишлаб чиқариш тажрибаси (Good Manufacturing Practices);
- ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш тизими (Environmental Management System);
- "биз безовтамыз" тизими (We Care);
- "маъсул шахслар безовталиги" тизими (Responsible Care);
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доирасидаги умумий сифат менеджменти (Environmental TQM);
- ишлаб чиқаришни умумий таъминлаш (Total Manufacturing Assurance);
- жараёнлар интеграллашган менеджменти (Integrated Process Management);
- сифатни яхшилаш мақсадидаги менеджмент (Management for Quality Improvement);
- сифат ва унумдорликни тўла (умумий, тотал) бошқариш (Total Quality and Productivity Management);

- интеграллашган сифат менеджменти (Integrated Management);
- узлуксиз яхшилаларни татбиқ этиш тизими (Continues Improvement Implementation System);
- сифатни тўла ислохот қилиш (Total Quality Transformation);
- сифат тизими менеджменти (Quality System Management).

Сифат менеджментининг бошқа концепциялари ҳам мавжуд. Биз сифатни бошқариш объектидек тушуниш учун зарур бўлган кичкина қисмини келтирдик холос. Келтирилган концепциялар TQM услубиятида сифатнинг турли муаммоларини ечишда қўлланадиган турли усуллар аслини акс эттиради. Замонавий фирмаларни бошқаришда TQM муҳим аҳамиятга эга.

Бошқариш тизими олий бўғин раҳбарларидан бошланади. Айнан олий бўғин раҳбарлари фирма олдингидан кўпроққа қодир деган стратегиядан келиб чиқиши керак. Фирманинг ташкилий тузилмасида сифатни бошқариш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи махсус бўлинмалар назарда тутилиши мумкин. Сифатни бошқариш функциялари бўлинмалар ўртасида тақсимланиши фирма фаолияти ҳажми ва хусусиятларига боғлиқ.

Менеджмент объекти бўлмиш сифатга менеджментнинг барча таркибий қисмлари хос: режалаштириш, таҳлил, назорат.

Замонавий сифат менеджменти сифатни бошқариш ҳамда консультантлар дастурлари бўйича хорижий корпорациялар бажарган тадқиқотлар натижаларига асосланган. Бу "Хьюлетт-Паккард" каби машҳур корпорациялар тажрибасидир. 1980 йилларда бу ва қатор бошқа фирмалар сиёсатида Ф.Б. Кросби У.Э. Деминг, А.В. Фейгенбаум, К. Исикава, Дж. М. Джуран ишланмалари таъсир қилган.

Етакчи фирмалар фаолиятининг асослари қуйидагилар бўлиб қолди:

- олий бўғин раҳбарлари манфаатдорлиги;
- иш сифатини яхшилаш бўйича кенгаш ташкил қилиш;
- барча раҳбарлар таркибини ишни яхшилаш жараёнига жалб қилиш;
- жамоа иштирокини таъминлаш;
- индивидуал иштирокни таъминлаш;
- тизимларни такомиллаштирувчи гуруҳларни яратиш (жараёнларни бошқарувчи гуруҳлар);
- таъминловчиларни тўлароқ жалб қилиш;
- бошқариш тизимлари ишлаш сифатини таъминлаш;
- ишни яхшилашнинг қисқа муддатли режалари ва узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хизматларни тан олиш тизимини яратиш.

Айниқса, бошқариш тизимлари ишлаш сифатини таъминлаш йўналишида тўхталиб ўтиш керак. Сифатни бошқариш бўйича консультантлар сифат ва ишончликни бошқарувчи хизматлар ҳаракат ва ресурсларини муаммоларни аниқлаш ва хатоларни тўғрилашга йўналтирилганларига эътибор беришган. Натижада оғишлар бўйича бошқариш тизими шаклланди. Бу тизим хатоларга жавоб қайтарган, лекин профилактик чора-тадбирларга ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бўлинмаларга муносиб баҳо бермаган. Сифатни таъминлаш фирманинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошқарувчи тизимларга боғлиқ деган хулоса чиқарилган.

Сифат бўйича етакчи консультантлардан бири Ф. Кросби рағбатлантириш тизими муҳимлигига эътиборни жалб қилди. Ходимлар хизматларини тан олиш ва юксак натижаларга эришишга қизиқтириш замонавий сифат менеджментининг таркибий қисмидир.

1951 йилда Деминг мукофоти ҳақида низом ишлаб чиқилди ва у умумий сифатни бошқариш (TQM) модели асосини яратди. У модел экспертларнинг кенг доирасидан

тушадиган маълумотни мунтазам тахлилини ва сифатга янгича қарашни назарда тутати. Деминг мукофоти Япония сифатига эришишда катта рол ўйнади. Кейинроқ, 1987 йилда АҚШ да Малколм Балдридж номидаги мукофот таъсис этилди. М. Балдридж мукофоти моделининг ривожини бизнес натижалари ва жамиятга қилган таъсирни баҳоловчи Европа сифат мукофоти бўлди.

Бозор иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган фирмалар сифат соҳасидаги сиёсатни шундай ифода қилишадикки, у фақат таклиф этилаётган буюмлар ёки хизматлар сифатларигагина эмас, балки ҳар бир ишчи фаолиятига дахлдор бўлиши керак. Сиёсатда аниқ фирма учун иш сифати стандартлари даражаси ва сифатни таъминлаш тизимларининг жиҳатлари аниқ белгиланади. Бунда берилган сифатли маҳсулот истеъмолчига маълум муддатларда, маълум ҳажмда ва мақбул нарҳда етказиб берилиши керак.

Сифатни бошқаришда маҳсулот сифати юқори барқарорлиги ва турғунлиги кафолати бўлган сифат менеджментининг сертификатлаштирилган тизими муҳим аҳамиятга эга. Сифат тизимининг сертификати фирмага бозорда рақобат устунлигини сақлаб қолиш имконини беради.

## 1.2. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг ташкилий асослари.

**Сифатни бошқариш** ҳар қандай бошқариш тизимида объект ва бошқариш дастури ҳамда бошқарувчи таъсирлар мавжуд. Объект сифатини бошқариш тизимида унинг сифати билан боғлиқ бўлган ҳаётий цикли ҳар бир босқичнинг жараёнлари киради. Бошқарувчи таъсирлар бошқарилаётган жараённинг ҳақиқий ҳолати бошқариш дастури жорий қилган ҳолат билан қиёслаш асосида ишлаб чиқилади. Бошқариш дастури сифатида маҳсулот сифати кўрсаткичлари қийматларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ва маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, фойдаланиш ёки истеъмол қилишга бўлган талабларни белгилайдиган техникавий ҳужжатлар хизмат қилади.

**Бошқарувчи таъсирлар** сифатни бошқариш тизимида иккита масалани *ечиши мумкин*:

— бошқарилаётган жараённи бошқариш дастури жорий қилган ҳолатда сақлаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизимини режалаштирилган сифат даражасида маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган барқарор ҳолатда сақлаб туриш;

— бошқарилаётган жараён ҳолатини тўғрилаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизимини замонавийлаштирилган ёки юқорироқ техникавий даражали ва сифатли янги маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган юқорироқ даражага кўтариш.

**Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни** қуйидаги операция (ҳаракат) лардан иборат:

- сифатни бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни режалаштириш;
- маҳсулот сифатига таъсир қилувчи ҳар қандай бошқарилаётган жараён ҳолати ҳақида ахборот олиш ва уни таҳлил қилиш;
- сифатни бошқаришга оид қарорлар қабул қилиш ва объектга қилинадиган бошқарувчи таъсирларни тайёрлаш;
- бошқарувчи таъсирларни чиқариш;
- бошқарувчи таъсирлар юзага келтирилган маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ўзгаришлари ҳақида информация олиш ва уни таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифатини бошқаришнинг асосий шакли 1.2.1.расмда келтирилган. Мазкур шаклда кўринганидек маҳсулот сифатининг режаси талаблар тавсифи ва ҳажми (маркетинг тадқиқотлар) ҳамда аниқ корхона (ёки корхоналар мажмуаси) нинг техникавий, иқтисодий ва

ташкилий имкониятлари асосида аниқланади.

Бу асосда ишлаб чиқаришнинг конструкторлик ва технологик тайёргарлиги, зарурий миқдорда маҳсулот чиқариш бошланади.

Маҳсулот сифати ҳақида маълумот, одатда, бир неча каналлар орқали келади (қайтма алоқа). Асосий шаклда иккита асосий канал кўрсатилган:

- биринчи канал маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш даражасида ишлайди (ишлаб чиқарувчи корхонадаги сифат назорати);
- иккинчи канал фойдаланиш доирасидаги маҳсулот сифати ҳақида маълумотни ўзатади.

Маҳсулотнинг ҳақиқий сифати тўғрисидаги маълумот режалаштирилган сифат кўрсаткичлари билан солиштирилади. Қиёслаш натижалари бўйича сифатни сақлаб туриш ёки кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар маҳсулот сифатига таъсир этувчи турли омиллар ўзгартирилишини назарда тутаяди. Бу омилларни техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоийларга ажратиш мумкин.

**Техникавий омиллар:** технологик жиҳозлар, ускуналар, асбоб назорат воситалари ҳолати; дастлабки материаллар, хом ашё жамловчи буюмлар сифати; техникавий хужжатлар ва бошқалар ҳолати ва сифатидан иборат.

**Ташкилий омиллар** гуруҳига:

- ишнинг мунтазамлиги ва бир маромдалиги;
- жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;
- материал, жамловчи буюмлар, ускуналар, асбоблар, назорат воситалари ва техникавий хужжатлар билан таъминланганлик
- меҳнатни илмий ташкил қилиш; ишда овқатланиш ва дам олишни ташкил этиш ва бошқалар.

**Иқтисодий омиллар:** меҳнатга ҳақ тўлаш шакли; иш ҳақининг миқдори; юқори сифатли маҳсулот ва иш учун мукофотлаш; яроқсиз маҳсулот учун маошдан чегириб қолиш; маҳсулот таннархи ва нархи; сифат даражаси ва бошқалар.

**Ижтимоий омиллар** гуруҳи: кадрларни танлаш, жойлаш ва иш жойини ўзгартириш; малака оширишни ташкил қилиш; илмий-техникавий ижод, рационаллаштириш ва ихтирочилик турар-жой, маиший шароитлар, жамоадаги ўзаро муносабатлар, психологик иқлим ва бошқалар.

**Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари.** Ҳар қандай бошқариш тизими унинг иши самаралилигини аниқловчи бошқариш мезонларига эгадир. Бизнинг мисолимизда маҳсулот сифати, юқорида айтилгандек унинг вазифасига мувофиқ маълум эҳтиёжларни қондириш қобилияти билан тавсифланади. Сифатни бошқариш масаласидан келиб чиқиб, бу хусусиятларни бошқариш мезонларидек қабул қилиш мумкин. Масалан, материаллар сарфланишини камайтириш керак бўлса, мезон сифатида машинанинг массаси қабул қилинади. Ишончлилиқни ошириш керак бўлса, мезон сифатида машина тўхтаб қолмаслиги ва бошқалар қабул қилинади.

Айтиб ўтилган мезонлар техникавий мезонлар сонасига киради ва улардан кенг фойдаланилади. Лекин улар хусусий мезонлардир. Уларда сифатга эришиш учун сарфланадиган харажатларни баҳолаш назарда тутилмаган. Буларсиз маҳсулот сифатини бошқариш тизими иши самаралилигини баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун сифатни бошқаришда маҳсулот сифати техникавий ва иқтисодий хусусиятларини жамлайдиган мезонлардан фойдаланиш керак. Бу ҳолда маҳсулотнинг **интеграл сифати тушунчаси**

қўлланади. Маҳсулотнинг интеграл сифати деб маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишнинг йиғиндиси фойдали самарасининг маҳсулотни яратиш (ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш) ва фойдаланишга сарфланадиган йиғиндиси харажатларига бўлган нисбати тушунилади.

$$Ku = \frac{\mathcal{E}}{3c + 3\mathcal{z}}$$

бу ерда,  $\mathcal{E}$  — маҳсулотдан фойдаланиш йиғиндисининг фойдали самараси;  $3c$  — маҳсулотни яратиш учун қилинган харажатлар;  $3\mathcal{z}$  - маҳсулотдан фойдаланишдаги харажатлар.

Сифатнинг интеграл кўрсаткичи фойдали хусусиятлар ўсиши ( $\mathcal{E}$  ўсиши) га ҳам, фойдали хусусиятлар ўсишига сарфланадиган харажатлар ўзгариши ( $3c + 3\mathcal{z}$  ўсиши) га ҳам сезгирлик билан жавоб беради.

Одатда сифатнинг интеграл кўрсаткичи вақт ўтиши билан катталашади, чунки хусусиятлар маҳсулотни техникавий такомиллаштириш ва замонавийлаштириш туфайли яхшиланади, харажатлар эса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш пайтида иш унумдорлиги ўсиши ҳисобига камаяди.

Лекин амалда сифатнинг интеграл кўрсаткичи ўсиши тўхтаб қолиши ёки ундан ҳам ёмон ҳолларда пасайиб кетиши кузатилади. Бу ҳодиса қуйидаги икки ҳолда бўлади:

- фойдали хусусиятлар яхшиланишидан ҳосил бўлган самара тегишли харажатлардан камроқ ўсади;
- фойдали хусусиятлар ўзгармайди, харажатлар эса ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва маҳсулотдан фойдаланиш ёмонлашиши ҳисобига ошади.

Табиийки, сифатнинг интеграл кўрсаткичи камайишига йўл қўйиб бўлмайди. Агар шундай бўлиб қолса, ишлаб чиқариш учун меҳнат, материал ва энергияни камроқ сарфлаб истеъмолчи эҳтиёжларини тўла қондирадиган замонавийлаштирилган ёки янги маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган юқори даражага кўтариш керак. Бу ҳолда сифатнинг интеграл кўрсаткичи энг юқори бўлади.

Сифатнинг мақбул (оптимал) даражаси. Кўпинча истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириб фойдаланиш ёки истеъмол қилишда зарурий самарани таъминлайдиган маҳсулот чиқариш керак. Бундай маҳсулот уни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш йиғинди харажатлари минимал бўладиган мақбул сифат даражасига эга бўлиши керак. Одамлар ҳаёти ва хавфсизлигини муҳофаза қилишга мўлжалланган маҳсулот бунга даҳлсиздир. Бундай маҳсулотнинг сифати энг юқори даражада бўлиши шарт.

### 1.3. Маҳсулот сифатини бошқариш тамойиллари.

Стандартлаштириш — мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умуман ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолиятдир (ISO/IEC).

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб умумжаҳон ривожланишида стандартлар, стандартлаштириш масалалари, биринчи навбатда, маҳсулот ва хизматларни, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлаш, савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш ва энг муҳим ички ва ташқи бозорга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга қаратилган самарали воситага айланди.

Стандартларнинг юқори сифати — маҳсулотнинг юқори сифатини белгилайди. Стандартлаштиришнинг жаҳон тажрибаси ва ривожланган мамлакатларда бу соҳада қилинаётган ишлар шуни кўрсатадики, Стандартларнинг юқори сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун уларни ишлаб чиқариш босқичида қуйидаги мажбурий тамойилларни бажариш керак. Стандартларнинг юқори сифати маҳсулотнинг юқори сифатини белгилайди. стандартлаштиришда қуйидаги тамойиллар қўлланади: тизимийлик тамойили, мажмуийлик ва мақбул

чеклаш тамойили, стандартлар тараққийпарварлиги ва мақбуллаштириш тамойили, стандартлаштирилаётган буюмларни функционал ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш тамойили, стандартларни ўзаро мувофиқлаштириш тамойили, стандартлар ишлаб чиқаришнинг илмий-тадқиқий тамойили, афзаллик тамойили, динамиклик тамойили, материалларнинг минимал солиштирма сарфи тамойили.

**1. Тизимийлик тамойили.** Техникавий тараққиёт ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи одамлар меҳнатини, меҳнат воситалари қўлланаётган жихозлар, мосламалар, асбоблар, назорат воситалари ва бошқалар мажмуини ва меҳнат предметлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланишнинг барча босқичларини ўз ичига олган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий жараёнига тизимий ёндашишнинг объектив заруратини талаб қилади.

Тизим деганда ўзаро боғланган, қўйилган мақсадга максимал самара ва энг кам харажатлар билан эришишга олиб келадиган элементлар мажмуи тушунилади. Тизим элементларининг миқдорий боғланишлари детерминантланган ёки тасодифий бўлиши мумкин. Тизимга кирган ўзаро боғланган элементлар мажмуи уларни турли даражада иерархик боғланишини кўриш мумкин бўлган тузилмасини ташкил этади.

**2. Мажмуийлик ва мақбул чеклаш тамойили.** Стандартларни ишлаб чиқишда Стандартлаштиришнинг охириги объектига таъсир этувчи барча асосий элементлар (омиллар) ҳисобга олиниши шарт. Стандартлаштириш бўйича ишларни камайтириш учун асосий объектга таъсири оз элементлар ҳисобга олинмайди. Стандартлаштириш пайтида тавсифлар тизими ва ўзаро боғланган моддий ва номоддий элементлар мажмуига бўлган талаблар кўрилади. Бунда элементларга бўлган талаблар Стандартлаштиришнинг асосий объектига бўлган талаблардан келиб чиқиб аниқланади. Юқори сифатли маҳсулот олишга шароитлар яратиш ва ишлаб чиқариш самарасини ошириш учун маҳсулотнинг барча ҳаётий цикллари — лойиҳалаш, серияли ишлаб чиқариш ва фойдаланишларни — қамраб оладиган рационал Стандартлар тизими зарур.

**3. Стандартлар тараққий парварлиги ва мақбуллаштириш тамойили.** Стандартлар орқали жорий қилинган кўрсаткичлар, меъёрлар, тавсифлар ва талаблар илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражасига мос бўлиши керак. Улар Стандартлаштириш объектларининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиши лозим. Фақат маҳсулотнинг янги (оширилган) сифатини ҳисобга олмай, балки уни ишлаб чиқаришга, материал ва фойдаланишга бўлган харажатларни ҳисобга олиб иқтисодий мақбул кўрсаткичларини жорий қилиш керак яъни иложи борича кам харажат қилиб, максимал иқтисодий самарага эришиш даркор. Бу мақсадга эришишга илгарилаб ва мажмуий стандартлаштириш кўмаклашади.

**4. Стандартлаштирилаётган буюмларни функционал ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш тамойили.** Фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича ўзаро алмашинувчанликни таъминлайдиган бу тамойил мажмуий ва илгарилаб стандартлаштириш ҳамда буюмлар, уларнинг техникавий шартлари ва бошқаларни стандартлаштиришда асосийдир.

**5. Стандартларни ўзаро мувофиқлаштириш тамойили.** Умумтехник ва тармоқлараро стандартлар турлари кўплигида уларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Стандартларнинг барча турларига тааллуқлик бўлган кўрилаётган тамойил муҳимлиги ва самаралилигининг энг ишончли мисоли мажмуий Стандартлаштириш усулидир. Стандартлаштириш соҳасидаги атама ва таърифларнинг ўзаро мувофиқлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

**6. Стандартлар ишлаб чиқаришнинг илмий-тадқиқий тамойили.** стандартлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни муваффақиятли татбиқ қилиш учун нафақат амалий тажрибаларни кенг умумлаштириш, балки маҳсус назарий, экспериментал ва тажрибавий-конструкторлик ишларни ўтказиш зарур. Бу тамойил стандартларнинг барча турларига тааллуқли.

**7. Афзаллик тамойили.** Одатда деталлар ва намунавий бирикмаларнинг ўлчам ва турлари, ўтказмалар, жоизликлар қаторлари ва бошқа параметрлар бир вақтни ўзида ишлаб

чиқаришнинг кўп тармоқлари учун стандартлаштиради, шунинг учун бундай стандартлар параметрларнинг катта кўламини камраб олади. Ўзаро алмашинувчанлик даражасини ошириш, саноатнинг турли соҳаларида қўлланадиган буюмлар, тайёрламалар ўлчам ва турларини, ўлчамли кесувчи асбоблар, мослама ва калибрлар номенклатурасини камайтириш ҳамда самарали ихтисослашиш ва заводлар кооперациялашиши учун шароитлар яратиш, маҳсулотни арзонлаштириш мақсадида бир хиллаштириш (унификация)да афзаллик тамойили қўлланади. Бу тамойилга биноан стандартлаштирилаётган параметрлар қийматларининг бир неча (масалан, учта) қаторлари жорий қилинади, бунда биринчи қатор иккинчисига нисбатан, иккинчиси учинчисига нисбатан афзалроқ кўрилади. Бундай тамойил бўйича метрик резбанинг диаметрлари ва қадамлари қаторлари, меъерий бурчаклар қаторлари, силлик цилиндрлик бирикмалар жойизлик ва ўтказмалари стандартлари ва бошқалар тузилган. Ундан ташқари қўллашга рухсат бериладиган буюмлар параметрлари, турлари ва ўлчамларини зарурий минимумга келтирадиган тармоқга чекловчи стандартларни яратиш тавсия этилади.


**8. Динамиклик тамойили.** Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун стандартлаштириш объектларига бўлган талабларни техникавий тараққиёт талабларига мувофиқ даражага келтириш мақсадида даврий қайта кўриб туриш зарур.

## **II.Боб. Муборакнефтгаз унитар шубба корхонасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.**

### **2.1.Муборакнефтгаз унитар шубба корхонасида маҳсулот сифати бошқариш усуллариининг тавсифи.**

“Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш” акциядорлик компанияси таркибидаги “Муборакнефтгаз” унитар шубба корхонаси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасини 1998 йил 15 декабр кунидаги 523-сонли қарори ва “Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш” АК Кузатув Кенгашининг 2000 йил 25 майдаги 96 сон баённома билан ташкил қилинган. Юридик шахс мақомига эга унитар корхона сифатида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари, Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш” АК қарорлари ва мазкур Устав асосида амалга оширади. “Муборакнефтгаз” УШ корхонаси нефт ва газ конлари бошқармаси томонидан тузилган шартнома ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Корхона мустақил балансига эга, давлат тилида узининг тўлиқ фирма номи ва ижойлашган жойи курсатилган думалок мухрга, штампга ва номи кўрсатилган қоғозларга эга. Корхона ўзининг товар белгисига эга. Корхонанинг фаолияти чекланмаган. Корхона таъсисчиси “Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш” акциядорлик компанияси ҳисобланиб корхона устав фондига киритган омонати миқдорида мажбуриятларга жавобгардир. Корхона фаолиятининг асосий мақсади нефт, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқиш ва шунингдек аҳолига пуллик хизмат курсатишдан иборат.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> “Муборакнефтгаз” УШК Устави Муборак тумани-2000 йил



**Расм 2.1.1. “Муборакнефтгаз” унитар шуъба корхонаси бошқарувининг ташкилий тузилмаси**

“Муборакнефтгаз” унитар шуъба корхонасининг ташкилий тузилмаси ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мураккаб, етмиш икки бўлимдан иборат, еттига йўналишда тегишли бошлиқ ўринбосарлари жавобгарлигида бош муҳандис назоратида қўйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ ўринбосари; туб таъмирлаш бўйича бошлиқ ўринбосари; моддий техник таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари; бош маслаҳатчи; иқтисод ва молия бўйича бошлиқ ўринбосари; бош геолог; бош метролог ва хафсизлик ва қуриқлаш бўйича бошлиқ ўринбосари.

“Муборакнефтгаз” унитар шуъба корхонаси учун – ишончлик сифат сертификати олиш бугуннинг талабидир. Бу корхонани ўзига ишонган ҳолда узоқ муддат давомида стабил фаолият юритишларини таъминлайди.

Ҳозирда ИСО - системасига мувофиқ сифат сертификатини эртанги куни ҳақида ҳам ўйлапти, бу доимо инвестицион ва инновацион соҳаларда актив иштрок этиш ва Ўзбекистон маркаси обрўсини оширишдир.

Халқаро ИСО - системаси талаблари асосида мувофиқлик сертификати олинса маҳсулот сифати ва самарадорлик қуйидаги босқичларда намоён бўлади.

0	ИСО – 9001-2008 талабларига тўла жавоб бериши.	Фоииз
1	Махсулот сифатини ошиши.	1%
2	Рақобатбардошликни ошиши.	2%
3	Бозордаги мавқеини ортиши.	3%
4	Товарни сотилиши хажмини ўсиши	4%
5	Махсулот ишлаб чиқаришни ортиши.	5%
6	Махсулот таннархини пасайиши.	6%
7	Иқтисодий самарадорликни ортиши.	7%

### Расм 2.1.2. Махсулот сифатини бошқариш босқичлари


Чизмада акс эттирилган ҳар бир поғонадаги самарадорлик 1%дан ортиб борса умумий самарадорлик 28-30 %ни ташкил қилади. Бундай хулосага муаллифлар, АҚШ, Япония ва бошқа иқтисодий жihatдан тараққий этган мамлакатлар тажрибасини Россияда олиб борилаётган ислохатлар билан таққослаб кўриш натижасида келганлар.

Демак ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ва бозорда сотувчи ўз олдига ИСО – системаси даражасидаги сертификатни олишга интилади.

“Муборакнефтваз” унитар шубба корхонасининг асосий мижозлари:

- Чет эл давлатлари;
- Йирик корхоналар;
- Кичик бизнес субъектлари;
- Якка тартибда фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахслар.

Махсулот сифатини аниқлашда унинг норматив техник ҳужжатлари талаб даражасида бўлиши ва барча ахборот манбаси ва уни қайси усул билан аниқланишига назарий таъриф берган, М.Д Магомедов, А.В. Рыбинлар кўплаб тажрибалар асосида яратган хулосаларни чизма кўринишида ифодалаймиз.



**Расм 2.1.3. Махсулот сифати даражасини аниқлаш методи<sup>2</sup>**

“Муборакнефтгаз” унитар шубба корхонаси ўз махсулотига мувофиқлик сертификати олар экан 2.3. расмдаги барча усулларга мурожаат қилган бўлади ва ижобий натижалар асосидаги барча хужжатлар корхонада сақланади ва бу корхонанинг фаолияти турлари сирасига киради.

Корхона ўз махсулотини норматив теник хужжатлар асосида сифат даражасини аниқлаб кўришлари лозим бўлади.

Масалан:

$$Q = \frac{K}{K_b};$$

Бунда: Q – сифат даражаси кўрсаткичи;


K – муайян махсулот сифатининг абсолют кўрсаткичи;

$K_b$  – махсулот (эталон)нинг абсолют сифат кўрсаткичи.

Тажриба асосида олинган натижа  $Q = 1$  бўладиган бўлса махсулот сифати эталон кўрсаткичга тенг бўлиб қолаверади, бу албатта ижобий натижадир.

<sup>2</sup> Магамедов М.Д., Рыбин А.В. “Управление качеством” Москва 2006 44-45.

Сифат даражаси  $Q > 1$  ёки  $Q < 1$  бўладиган бўлса, демак махсулот сифат даражасида ўзгариш юз берган.



**Расм 2.1.4. Сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи уч омил**

Ҳар уччала омилнинг умумий кесишган бир нуқтаси борки, бу, сифат ва рақобатбардошлиқдир. Корхона махсулоти ҳар уччала ҳолат бўйича халқаро ИСО – стандартларига мос равишда олиб борилса нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини албатта топади.

Бу борада “Ўздавстандарт” уюшмаси мувофиқлик сертификати берувчи барча корхоналарни мунтазам равишда техник назоратдан ўтказиб туради.

Хозирги кунда “Муборакнефтваз” унитар шуба корхонаси фаолияти бевосита бозор билан боғлиқ дейиш мумкин.

Барча махсулот турлари бўйича бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқотлари натижасини назарий жихатдан таҳлил қилсақ, асосий газ ва нефт махсулотларининг айрим турлари экспортга йўналтирилган бўлганини кўрамиз. Бундай натижаларга эришиш махсулот сифатини баҳолашда халқаро ИСО талабларига тўла жавоб беришидадир. Яна бир сабаб, янги технологияни соҳага тадбиқ этилишидадир.

“Муборакнефтваз” унитар шуба корхонасининг бевосита бозор билан боғлиқлиги маркетинг бўйича таҳлилни тақозо этади ва SWOT анализни келтириб чиқаради. Нефт ва мгаз махсулотлари бўйича бозор талабини ўрганилса ички ва ташқи бозорлардаги кучлик ва нозик тарафларини кўрамиз:

Устивор йўналишлар



**Расм 2.1.5. Ички ва ташқи бозордаги SWOT таҳлили**

Расмдан кўриниб турибдики ички ва ташқи бозорларни SWOT таҳлили бир неча омилларга боғлиқ бўлиб аввалам бор имкониятлардан келиб чиқиб устувор йўналишлар белгиланади, мавжуд ва прогноз хавф–хатарлар ҳисоб китоблар орқали олди олинади.

Истеъмол бозори SWOT анализи шундан далолат берадики “Муборакнефтваз” унитар шубҳа корхонаси томонидан мувофиқлик сертификатини нефт ва газ махсулотларига бўлган талабнинг бозордаги ҳолати қўйидагидан иборат бўлган.

№	Кўрсаткичлар	Ташқи бозорда	Ички бозорда
1	Талаб ҳолати	Юқори	Ўртачадан юқори
2	Талабни таклифга мослиги	Ўртадан юқори	Ўртачадан юқори
3	Рақобатчилик	Жуда юқори	Ўртачадан юқори

Ташқи бозорларда талаб ҳолати юқори бўлганда ички бозорда бу курсаткич уртачадан юқорини ташкил этади, ташқи бозорларда талабни таклифга мослиги ўртадан юқори бўлганда ички бозорда бу курсаткич ҳам уртачадан юқорини ташкил этди, ташқи бозорларда рақобатчилик ҳолати жуда юқори бўлганда ички бозорда бу курсаткич уртачадан юқорини ташкил этган.

## 2.2. Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасида маҳсулот сифатини бошқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили орқали молиявий аҳволи ва ишлаб чиқариш унумдорлиги даражасини билиб олиш мумкин. Корхона фаолиятининг асосий йўналиши нефть ва газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлиб, у ички ва ташқи бозорларда фаолият юритишга йўналтирилган бозор талабларига тўлалигича мос келади. Хозирги даврда жаҳон бозорларида нефть ва газ маҳсулотларини нархи кескин ошиб бораётган бир пайтда Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасида нефть ва газни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, самарадорликни оширишга ва фойдани купайтиришга, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурслари харажатларини минимум даражада пасайтиришга эришмоқда. Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш мақсадида жамиятнинг 2009-2011 йиллардаги хисоботини таҳлил қилиб чиқамиз.

(минг сўм ҳисобида)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Йиллар			Ўзгариши 2011 йил 2009 йилга нисбатан(+,-), (%)
		2009	2010	2011	
1.	Маҳсулот сотишдан соф тушум	423489589	473826973	530147626	(106658037) (125.2 %)
2.	Асосий фаолиятдан бошқа тушум	45964564	63238565	87004330	(41039766) (189 %)
3.	Сотилган маҳсулотлар таннархи	189230620	207960966	228545271	(39314651) (120.8 %)
4.	Давр харажатлари	248742398	290554286	339394464	(90652066) (136.4 %)
5.	Даромад солиғи	4632441	5164941	5758651	(1126210) (124.3 %)
6.	Бошқа солиқлар	719835	1232794	2111289	(1391454) (293 %)
7	Соф фойда	13971040	20261762	29384999	(15413959) (210 %)

### Жадвал 2.2.1. “Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 йиллардаги молиявий натижалар тугрисида маълумот”<sup>3</sup>

Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 йиллардаги умумий даромадларини таҳлил қиладиган бўлсак корхонада 2009 йилда маҳсулот сотишдан соф тушум 423489589 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 473826973 минг сўмни ташкил этган, 2011 йилда эса 530147626 минг сўм бўлган, бу 2009 йилга нисбатан 106658037 минг сўм кўп,

<sup>3</sup> “Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 йиллардаги молиявий аҳволи тугрисида хисоботи

яъни корхонада маҳсулот сотишдан соф тушум 125.2 фоизга ошган. Корхонанинг асосий фаолиятдан бошқа тушум 2009 йилда 45964564 минг сўм, 2010 йилда 63238565 минг сўмни ташкил этган, 2011 йилда эса 87004330 минг сўм бўлган, таҳлил қилиб кўрганимизда 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 41039766 минг сўмга кўпайган, яъни корхонада асосий фаолиятдан бошқа тушум 189 фоизга ошган.

Корхонада сотилган маҳсулотлар таннари 2009 йилда 189230620 минг сўмни ташкил этган, 2010 йилда 207960966 минг сўм бўлган, 2011 йилда 228545271 минг сўмга кўпайган, бу эса 2009 йилга нисбатан 39314651 минг сўмга ёки 120,8 фоизга ошганини билдиради. Корхонада давр харажатлари 2009 йилда 248742398 минг сўм бўлиб, 2010 йилда 290554286 минг сўмни ташкил этган, 2011 йилда 339394464 минг сўм бўлиб, 2009 йилдаги давр харажатларига нисбатан 90652066 минг сўмга ёки 136.4 фоизга ошгандир. Корхонада даромад солиғи 2009 йилда 4632441 минг сўм бўлган, 2010 йилда 5164941 минг сўм, 2011 йилда эса 5758651 минг сўмни ташкил этган, бу эса 2009 йилга нисбатан 1126210 минг сўмга ёки 124.3 фоизга ошганидан далолат беради. Бошқа солиқ турларини таҳлил қилиб кўрганимизда 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1391454 минг сўмга ёки сал кам 3 бароварга ошганини кўришимиз мумкин. Натижада 2009 йилда соф фойда 13971040 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 20261762 минг сўмни ташкил этди ва 2011 йилда 29384999 минг сўмни ташкил этиб 2009 йилга нисбатан 15413959 минг сўмга ёки 210 фоизга ошган.

Муборакнефтваз унитар шубба корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти моддий ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ. Давр харажатлари таркибида аввалам бор қуйидагилар назарда тутилади: сотиш харажатлари; маъмурий харажатлар; бошқа операцион харажатлар; келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган хисобот даври харажатлари.

(минг сўм ҳисобида)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Йиллар			Ўзгариши (+,-) 2011 йил 2007 йилга нисбатан
		2009	2010	2011	
1.	Сотилган маҳсулотлар таннари	189230620	207960966	228545271	39314651
2.	Давр харажатлари. Жумладан:	248742398	290554286	339394464	90652066
	а)Сотиш харажатлари	25869209	33404365	35381452	9512243
	б)маъмурий харажатлар				
	в)бошқа операцион харажатлар	7959758	7626010	10851941	2892183
		214913431	249523911	293161071	78247640
3.	Фоизлар шаклидаги харажатлар	4732270	5356774	5223871	491601
4.	Валюта курс фаркидан зарарлар	6809850	6924042	7694783	884933

## Жадвал 2.2.2. “Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 йиллардаги харажатлар таркиби туғрисида маълумот”<sup>4</sup>

Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 йилларидаги умумий харажатларининг таркибий таҳлилини кўриб чиқадиган бўлсак, корхонада сотилган маҳсулотлар таннархи 2009 йилда 189230620 минг сўмни ташкил этган, 2010 йилда 207960966 минг сўм бўлган, 2011 йилда эса 228545271 минг сўм бўлиб, 2009 йилга нисбатан 39314651 минг сўмга ёки 120.8 фоизга ошган. Давр харажатлари 2009 йилда 248742398 минг сўм бўлган, 2010 йилда 290554286 минг сўмни ташкил этиб, 2011 йилда 339394464 минг сўмга етган, бу эса 2009 йилги давр харажатларидан 90652066 минг сўмга ёки 136.4 фоизга кўп демакдир. Давр харажатлари жумласига сотиш харажатлари, маъмурий ва бошқа операцион харажатлар киритилган бўлиб, корхонада сотиш харажатлари 2009 йилда 25869209 минг сўм, 2010 йилда 33404365 минг сўм, 2011 йилда 35381452 минг сўмни ташкил этган, бу эса 2009 йилга нисбатан 9512243 минг сўм кўп демакдир. Маъмурий харажатлар 2009 йилда 7959758 минг сўм, 2010 йилда 7626010 минг сўм, 2011 йилда эса 10851941 минг сўмни ташкил этган, бу эса 2009 йилга нисбатан 2892183 минг сўмга кўп демакдир. Корхонанинг бошқа операцион харажатлари 2009 йилда 214913431 минг сўм, 2010 йилда 249523911 минг сўмни, 2011 йилда 293161071 минг сўмни ташкил этган. 2011 йилни 2009 йилга нисбатан ўзгаришини таҳлил қилсак, 78247640 минг сўмга кўпайганини кўрамыз.

Бундан ташқари Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 йилларидаги фоизлар шаклидаги харажатлар 2009 йилда 4732270 минг сўмни ташкил этган, 2010 йилда 5356774 минг сўм бўлган, 2011 йилда эса 5223871 минг сўм бўлиб, 2009 йилга нисбатан 491601 минг сўмга ошган. Валюта курс фарқидан зарарлар 2009 йилда 6809850 минг сўм бўлган, 2010 йилда 6924042 минг сўмни ташкил этиб, 2011 йилда 7694783 минг сўмга етган, бу эса 2009 йилга нисбатан 884933 минг сўмга ошганлигини таҳлилдан кўрдик.

Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг молиявий аҳволи ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш учун корхонанинг 1-сонли Шакл Бухгалтерия баланси кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	млн сўм	2231152	2286164.8	55012.8
2.	Номоддий активларнинг қиймати	млн сўм	16.9	16.9	0
3.	Узоқ муддатли инвестициялар	млн сўм	2194.3	3585.9	1391.6
4.	Капитал қуйилмалар	млн сўм	68222.4	145777.5	77555.1
5.	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар	млн сўм	314.1	1330.4	1016.3
6.	Товар моддий захиралар	млн сўм	27983.5	42562.4	14578.9
7.	Харидор ва буюртмачилар қарзи	млн сўм	182420.5	157843.6	-24576.9
8.	Бошқа активлар	млн сўм	75199.2	259026.9	183827.7
	<b>ЖАМИ АКТИВ</b>	млн сўм	<b>2587502.9</b>	<b>2896308.4</b>	<b>308805.5</b>

<sup>4</sup> “Муборакнефтгаз унитар шуъба корхонасининг 2009-2011 йиллардаги молиявий аҳволи туғрисида ҳисоботи

### Жадвал 2.2.3. “Муборакнефтгаз унитар шубба корхонасининг 2010-2011 йиллардаги 1-сон шакл кўрсаткичлари туғрисида маълумот”<sup>5</sup>

Муборакнефтгаз унитар шубба корхонаси ҳисобдаги асосий воситаларнинг пул кўринишидаги қолдиқ қиймати 2010 йил охирида 2231152 млн.сўмни ташкил этган, йил давомида қушимча асосий воситалар кирим қилиниши сабабли 2011 йил охирига келиб асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ўтган йилга нисбатан 55012.8 млн.сўмга ошган. Номоддий активларнинг қиймати 2010 йил давомида 16.9 млн.сўмни ташкил этиб ўзгаришсиз қолган. Корхонага киритилган узоқ муддатли инвестициялар қолдиғи 2010 йил охирида 2194.3 млн.сўмни ташкил этган бўлса 2011 йил охирига келиб бу кўрсаткич 3585.9 млн.сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 1391.6 млн.сўмга кўпайди. Капитал қуйилмалар бўйича 2010 йил охирида 68222.4 млн.сўмни ташкил этган ва 2011 йил охирига келиб 145777.5 млн.сўмга етган яъни 77555.1 млн.сўмга ошган. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар 2010 йил охирида 314.4 млн.сўмни ташкил этиб 2011 йил охирида бу кўрсаткич 1330.4 млн.сўмга ёки 1016.3 млн.сўмга ошган. Товар моддий захиралар 2010 йил охирида 27983.5 млн.сўмни ташкил этиб 2011 йил охирида 42562.4 млн.сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 14578.9 млн.сўмга ошган. Харидор ва буюртмачилар қарзи 2010 йилда 182420.5 млн сўмни ташкил этган 2011 йил охирига келиб қарздорлик 157843.6 млн.сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 24576.9 млн.сўмга камайган. Бошқа активлар 2010 йилда 75199.2 млн сўмни ташкил этган бўлса 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 259026.9 млн.сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 183827.7 млн сўмга ошган. Жами активлар 2010 йилда 2587502.9 млн.сўмни ташкил этган бўлса 2011 йилга келиб жами активларнинг қолдиқ қиймати 2896308.4 млн.сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 308805.5 млн.сўмга ошган. Тахлил қиладиган бўлсак харидор ва буюртмачиларнинг қарзи камайгани корхонани ликвид маблағларини ортганини билдиради ёки мажбуриятларни қоплаш учун етарли пул маблағлари мавжудлигидан далолатдир. Узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қуйилмаларни ортиб бориши корхонада махсулот сифатини яхшилаш бўйича қушимча маблағлар жалб қилинаётганлигидан далолат беради.

Муборакнефтгаз унитар шубба корхонасининг 1-сон шакл балансини актив қисми билан бирга пассив қисмини ҳам тахлил қилиб кўрамиз. Пассив қисми ўз маблағлар манбаи ва мажбуриятлардан иборатдир. Корхона балансининг актив қисми пассив қисмига мос келиши ёки баланс бериши корхонанинг молиявий маблағлари ва махсулот сифатини бошқариш бўйича ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва техник таъминоти назорат қилинишидан далолат беради.

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)
1.	Устав капитали	млн сўм	58277.8	58277.8	0
2.	Резерв капитали	млн сўм	838812.9	837066	-1746.9
3.	Мақсадли тушумлар	млн сўм	1112830.3	1365413	252582.7
4.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	млн сўм	56966.2	29871.6	-27094.6
5.	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга қарз	млн сўм	37938.4	40802.5	2864.1
6.	Шубба ва карам жамиятларига қарз	млн сўм	115108.4	182678.2	67569.8
7.	Солик ва мажбурий туловлар бўйича	млн сўм	296244.2	309755.5	13511.3

<sup>5</sup> Муборакнефтгаз унитар шубба корхонасининг 2010-2011 йиллардаги 1-сон шакл ҳисоботи

	кечиктирилган қарз				
8.	Бюджетга туловлар бўйича қарз	млн сўм	24083.5	34738.8	10655.3
9	Бошқа пассивлар	млн сўм	47241.2	37705	-9536.2
	<b>ЖАМИ ПАССИВ</b>	млн сўм	<b>2587502.9</b>	<b>2896308.4</b>	<b>308805.5</b>

**Жадвал 2.2.4. “Муборакнефтгаз унитар шубба корхонасининг 2010-2011 йиллардаги 1-сон шакл кўрсаткичлари туғрисида маълумот”<sup>6</sup>**

Муборакнефтгаз унитар шубба корхонаси тасдиқланган Устав капиталининг қиймати 2010 йилда 58277.8 млн.сўмни ташкил этган, 2011 йилда ҳам устав капитали ўзгармаган яъни 58277.8 млн.сўмни ташкил этган. Резерв капиталининг қолдиғи 2010 йил охирида 838812.9 млн.сўмни ташкил этган бўлса 2011 йил охирига келиб бу кўрсаткич 837066 млн.сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 1746.9 млн.сўмга камайди. Мақсадли тушумлар бўйича 2010 йил охирида 1112830.3 млн.сўмни ташкил этган ва 2011 йил охирига келиб 1365413 млн.сўмга етган яъни 252582.7 млн.сўмга ошган. Узоқ муддатли мажбуриятлар 2010 йил охирида 56966.2 млн.сўмни ташкил этиб 2011 йил охирида бу курсаткич 29871.6 млн.сўмга етган ёки 27094.6 млн.сўмга камайган. Мол етказибю берувчи ва пудратчиларга қарз 2010 йилда 37938.4 млн.сўмни ташкил этиб 2011 йил охирида 40802.5 млн.сўмни ташкил этган ёки ўтган йилга нисбатан 2864.1 млн.сўмга ошган. Шубба ва қарам жамиятларига қарз 2010 йилда 115108.4 млн сўмни ташкил этган, 2011 йил охирига келиб қарздорлик 182678.2 млн.сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 67569.8 млн.сўмга ошган. Солиқ ва мажбурий туловлар бўйича кечиктирилган қарз 2010 йилда 296244.2 млн сўмни ташкил этган, 2011 йил охирига келиб кечиктирилган қарздорлик 309755.5 млн.сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 13511.3 млн.сўмга ошган. Бюджетга тўловлар бўйича қарз 2010 йилда 24083.5 млн сўмни ташкил этган, 2011 йил охирига келиб қарздорлик 34738.8 млн.сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 10655.3 млн.сўмга ошган. Бошқа пассивлар бўйича 2010 йилда 47241.2 млн сўмни ташкил этган бўлса 2011 йилга келиб бу курсаткич 37705 млн.сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 9536.2 млн сўмга камайди. Жами пассивлар бўйича 2010 йилда 2587502.9 млн.сўмни ташкил этган бўлса 2011 йилга келиб жами пассивларнинг қолдиқ қиймати 2896308.4 млн.сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 308805.5 млн.сўмга ошган. Тахлил қиладиган бўлсак узоқ муддатли мажбуриятлар ва бошқа пассивларнинг камайгани корхона мажбуриятлари қоплаш учун етарли пул маблағлари мавжудлигидан далолатдир.

**Ш.Боб. Нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллариининг такомиллаштириш йўллари.**

**3.1. Маҳсулот сифатини бошқариш ташкилий тузилмасини такомиллаштириш.**

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда республикада стандартлаштиришнинг ҳозирги замон тизимини ва унинг қонуний базасини яратилишига жиддий эътибор берилди. Республика Вази́рлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимининг асосий принциплари белгилаб берилди. 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатимиз тарихида муҳим воқеа ҳисобланади.

<sup>6</sup> Муборакнефтгаз унитар шубба корхонасининг 2010-2011 йиллардаги 1-сон шакл ҳисоботи

Қонун, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стандартлаштириш масалалари бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи ягона механизм ва давлат бошқаруви меъёрларини ўрнатади. Стандартлаштириш масалалари бўйича манфаатдор томонларнинг давлат бошқаруви идоралари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорлик ишининг шакл ва усулларини, умумий ташкилий-техникавий қоидаларини, стандартлар устидан давлат назоратини амалга оширишни, давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, стандартлар мажбурий талаблари бузилган тақдирда, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Шу давр мобайнида, ушбу қонунга иккита ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Биринчи ўзгартириш 2000 йил 26 майда 82-II сон билан, иккинчи ўзгартириш 2003 йил 25 апрелда 482-II сон билан киритилди. Қонунга биноан “Ўзстандарт” агентлиги, стандартлаштириш соҳасида давлат сиёсатини шакиллантиради ва амалга оширади, стандартлар ва техник шартлар мажбурий талабларини бажарилиши устидан давлат назоратини ва текширувини олиб боради, ҳудудий стандартлаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда фаол қатнашади, стандартлаштириш соҳасида кадрларнинг профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил қилади, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида стандартлаштириш бўйича ҳалқаро, давлатлараро стандартларни, қоидаларни, меъёрларни ва тавсияларни қўллаш қоидаларини ишлаб чиқади ва ўрнатади.

“Ўзстандарт” агентлиги, стандартлаштириш соҳаси бўйича фаолиятини ўз қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ), стандартлаштириш ва метрология бўйича ҳудудий бошқармалар, Ахборот–маълумот маркази орқали амалга оширади. Агентлик қошидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг 12 та вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган, жами 14 та бошқармалар фаолият юритади.

Стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида, стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан назорат олиб борувчи давлат инспекторлари фаолият кўрсатадилар. Назорат олиб боришдан ташқари, улар томонидан меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси ўтказилади ва давлат рўйхатига олиш бўйича тегишли ишлар бажарилади. Республика стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи ва бу соҳа бўйича ўқитишнинг ўқув-методик маркази бўлиб, СМСИТИ ҳисобланади.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан “Халқаро тажриба асосида 2003-2012 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш Концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича Дастур” ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат 2003 йилнинг 26 мартида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини ривожлантириш бўйича Идоралараро Кенгаш томонидан тасдиқланган. Концепциянинг асосий мақсади республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг сифатини тубдан яхшилашга имкон яратадиган стандартлаштиришнинг халқаро тизимига босқичма-босқич ўтишдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон “Маҳсулотларнинг сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”, 2004 йил 22 июлдаги 349-сон “Корхоналарда халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар тўғрисида” ва 2004 йил 5 августдаги 373-сон “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари стандартлаштириш Дастурида ҳамоҳанг бўлади.

Стандартлаштириш маҳсулот сифатини оширишда ягона давлат ташкилий-техникавий сиёсатини ўтказиш имконини беради ва мамлакат иқисодиётини бошқариш ва маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқариш илмий-услубий бирлигини таъминлайди.

Тармоқлараро даражада сифатни бошқариш ҳаётий циклининг барча босқичлари ва бошқариш функциялари бўйича ишлаб чиқиладиган давлат стандартлари асосида амалга оширилади. Бу стандартларда маҳсулот сифатини бошқариш бўйича халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятининг умумий меъёрлари келтирилади: сифат бўйича атамалар, сифатни баҳолаш, саноат маҳсулотини аттестациялаш, сифатни бошқариш мажмуий тизимларини яратиш бўйича тавсиялар ва бошқалар.

Тармоқда сифатни бошқариш давлат стандартлари ва техникавий шартлар ҳамда тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиб, чегаралар жорий қилинган ёки давлат стандартлари ривожлантирилган тармоқий тавсиялар ва материаллар бўйича олиб борилади, бу тармоқнинг корхона ва ташкилотлари фаолиятидаги ўзаро боғланишни ташкил этишни яхшилашга қўмаклашади.

Бирлашма ёки корхона даражасида стандартлаштириш аниқ ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини: маҳсулот тури, туркумлилик технологик жараёнларни ўзига хос хусусиятлари ва бошқаларни ҳисобга олишга қаратилган. Корхона даражасидаги стандартлаштириш сифатни бошқаришда тармоқ ва тармоқлараро даражалар ўртасидаги зарурий боғланишни таъминлайди

Маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқаришни амалга ошириш учун сифатни бошқариш тизимларининг ташкилий, техникавий ва услубий асослари бўладиган стандартлар ва техникавий шартлар мажмуи зарур.

**Тадқиқот ва лойихалаш босқичларида** стандартлаштириш ёрдамида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- мазкур маҳсулот ҳамда хом ашё, матаериал, ярим тайёр маҳсулот ва жамловчи буюмлар, мамлакат ва хорижий фан-техникаси ютуқларини, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сифат тавсифларини мажмуий стандартлаштириш асосида тайёр маҳсулот сифатига бўлган талаблар жорий қилинади;
- буюм вазифаси ва фойдаланиш шароитларига қараб, маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ягона тизими аниқланади;
- маҳсулотнинг мақбул сифатини таъминлаш ва ўлчам, русум ҳамда турларининг нораціонал кўплигини бартараф қилиш учун меъёр, талаб ва лойихалаш усуллари жорий қилинади;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини мажмуий механизациялаш ва автоматлаштириш, илмий-техникавий тараққиётни тезлатиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш ҳамда таъмирлаш пайтида иш унумини оширишнинг асосий шarti бўладиган унификация даражасини ошириш таъминланади.

Маҳсулот сифатини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг даражасини кўтаришга сезиларли даражада тармоқлараро стандартлар тизимларини татбиқ этиш қўмаклашади. Бундай тизимлар қаторига конструкторлик технологик ҳужжатларни тайёрлаш ягона тартибни ўрнатадиган, намунавий технологик жараёнлар, стандарт жихози ва мосламалари ҳамда кўп меҳнат талаб қиладиган технологик жараёнларни мажмуий механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг қўллашни назарда тутадиган Конструкторлик ҳужжатлар ягона тизими (КХҲЯТ), Технологик ҳужжатлар ягона тизими (ТХҲЯТ), Ишлаб чиқаришни технологик тайёргарлиги ягона тизими (ИТТЯТ) каби стандартлар мажмуалари ва бошқалар киради. Стандартлаштиришни татбиқ этиш технологиянинг ишлаб чиқиш жараёнини яхшилаш ва тезлаштириш, технологик мосламаларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражасини ошириш имконини беради, бу эса янги буюмларни ўзлаштириш учун зарур бўлган вақтни сезиларли даражада қисқартиради ва сифат барқарорлигини таъминлайди.

**Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйиш босқичида** Давлат стандартлари юқори сифатли маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришни тезлаштириш, тажрибавий намуналарни ишлаб чиқиш ва синашни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва серияли маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татбиқ этиш асосида маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини ва конструкцияси элементларини

ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи (истеъмолчи) ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Стандартлаштириш тизими янги маҳсулотга оид юқори сифатли лойиха-конструкторлик ҳужжатлар ишлаб чиқилишини, корхона сифатнинг берилган кўрсаткичлари билан уни ишлаб чиқаришга тайёрлигини ва уни ўз вақтида ишлаб чиқаришдан олиб ташланишини меъёрлайди.

Корхона стандартлари маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичида чиқарилаётган маҳсулот тавсифи ва ўзига хослигини, корхоналарнинг ташкилий-техникавий даражасини, заводнинг ички ихтисослашишини, муҳандис ва ишчилар тажрибасини ҳисобга олади, корхоналарда сифат бўйича ишларни аниқ ва маъсулиятли ташкил қилишнинг имконини беради. Улар маҳсулот сифатини мажмуий бошқаришга доимий фаолият кўрсатувчи тизим тусини беради, илғор тажриба асосида унга мунтазам ривожлантириш имкониятини яратади. Лойихалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш (истеъмол қилиш) жараёнларида маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш тартиби ва усулларини белгилайди, маҳсулот сифатини назорат қилиш ва баҳолаш воситалари ва усулларига бўлган талабларни жорий қилади, маҳсулотни аттестациялаш тартибини аниқлайди, етказиб берувчилар ва етказиб берилаётган хом ашё, материал, жамловчи буюмлар сифатини яхшилаш бўйича ишлаш тартибини аниқлайди. Ишлаб чиқаришнинг бир текислигини, технологик интизомни сақлаш, янги маҳсулотни ишлаб чиқувчилар, хом ашё, материал ва жамловчи буюмларни етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар билан ишлашни яхшилаш, корхонанинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш яроқсизликдан талафотларни камайтириш, бажарувчилар меҳнати сифатини ошириш, минимал сарфлар билан сифатнинг юқори даражасини таъминлаш имконини беради.

**Айланиш ва сотиш босқичида** стандартлаштириш маҳсулотни буюмдонларга жойлаштириш, консервалаш, транспортлаш ва омборга қўйиш, сақлаш ва сотиш пайтларида талаб, тартиб ва энг яхши шароитларни яратишга қаратилган, бу омборларда, базаларда, транспорт корхоналарида ва савдо ташкилотларида маҳсулот сифатини сақлаб қолади.

**Истеъмол ва фойдаланиш жараёнида** стандартлаштириш маҳсулотга хизмат қилиш ва уни таъмирлашга (шу жумладан, кафолатли таъмирлашга), фойдаланишдаги маҳсулот сифати ҳақида маълумотни йиғиш ва таҳлил қилишга қўйиладиган ягона талабларни белгилайди, бу хизмат қилиш ва таъмирлашни ташкил этишни яхшилади, фойдаланишдаги харажатларни камайтиради ва маҳсулот унумини оширади.

Саноат маҳсулотини аттестациялашда стандартлар тизими объектив баҳолаш учун зарур бўлган сифат кўрсаткичларининг зарурий ва етарли рўйхатини, ягона тартибини белгилайди. Бу аттестацияни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга сарфланадиган вақтни қисқартиради ва маҳсулотни сифат тоифалари бўйича баҳолашга хизмат қилади. Стандартлаштириш маҳсулотни сертификатлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулот сифати муаммосининг ечими метрологик таъминот даражасига боғлиқ. Улчашлар бирлиги ва ишончилигини таъминлаш учун мамлакатда ривожланган эталон базаси яратилган, ўлчашлар бирлигини таъминловчи стандартлар тизими ишлаб чиқилган. Стандартлаштириш ривожланиши замонавий босқичининг ўзига хослиги — алоҳида стандартларни ишлаб чиқишдан мажмуий стандартлаштириш дастурларига ўтишдир. Бу дастурларни амалга ошириш тайёр маҳсулот, жамловчи буюмлар, хом ашё, материал, жиҳозлар ва ускуналар ҳамда ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил қилиш усуллари, синаш, назорат қилиш, ўлчаш, буюмдонга жойлаштириш қоидалари, сақлаш, транспортлаш, фойдаланиш ва таъмирлашга оид ўзаро боғланган стандартлари ва техникавий шартларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади.

Мажмуий стандартлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва татбқ этиш бутун фаолиятини охириги умумиктисодий натижаларга эришишга жалб қилиш имконини беради.

Илмий-техникавий тараққиёт суръатлари тезлашиши билан стандартларнинг самарали таъсир қилиш вақти мутлақ ва нисбий қисқариш тенденцияси пайдо бўлишига олиб келади.

Стандартлаштириш тобора динамик тавсифга эга бўлади, бу стандартларни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва қайта кўриб чиқиш усуллари ва муддатларига янги талаблар қўяди. Стандартлаштириш тизими динамиклиги ва тезкорлиги масаласини ечишга истикболли, илгариланган стандартлар қаратилган. Улар мамлакат корхоналари, энг яхши хорижий фирмаларнинг илғор тажрибасини акс эттиради ва саноати ривожланган мамлакатларнинг прогрессив кўрсаткичларини ўз ичига олади.

**Буюмлар сифатини ошириш.** Стандартлаштириш орқали ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг турлари ва ўлчамлари бошқарилади. Туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш одатда катта самарага ихтисослашган заводларда ишлаб чиқарилган детал, йиғма бирликлар ва буюмлар қўлланилиши туфайли эришилади. Хозирги кунда ихтисослаштирилиб чиқарилган, стандартлаштирилган ва унификацияланган агрегат ва элемент (блок)ларнинг улуши 10% га яқин. Агар бу кўрсаткич 20% гача етказилса, буюмлар тайёрлаш таннари камайиши натижасида иқтисодий самарасини 2 баравар ошириш мумкин.

Ўзаро алмашинувчанлик ҳам ишлаб чиқариш тежамкорлигини оширади, чунки у сезиларли даражада буюмлар ЙИҒИШНИ соддалаштиради ва у деталларни содда (тўлиқ ўзаро алмашинувчанликда) ёки минимал ростлаш ва танлаш ишлари билан (ноўлиқ ўзаро алмашинувчанликда) йиғма бирликларда оддий бирлаштиришга айланади. Бунда буюмлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш осонлашади, чунки етилган ёки ишдан чиққан деталлар ёхуд йиғма бирликлар фойдаланиш кўрсаткичларни ёмонлаштирмасдан алмаштирилади, яъни буюмларнинг тикланиши ва таъмирлашга яроқлилиги ошади.

Ишлаб чиқариш жарёнларини мажмуий механизациялаш ва автоматлаштириш, автоматик қаторлар, цехлар ва корхоналарни яратиш фақат ҳамма буюмларни жорий қилинган ўлчамлар, шакллар ва сифат билан чиқарилишини таъминловчи ўзаро алмашинувчи ишлаб чиқариш асосида амалга оширилиши мумкин.

Саноати ривожланган давлатларда сертификатлаштириш асрнинг 20-30- йиларида пайдо бўлди. Лекин миллий сертификатлаштириш тизимлари кейинроқ яратилди. Қатор мамлакатларда улар фақат экспорт қилинадиган маҳсулот сифатини ошириш учун бунёд қилинган эди .

**Германияда** стандартларга мувофиқлик белгиси (DIN) 1920 йил немис стандарт институти томонидан таъсис қилинган. У маҳсулотнинг барча турларига (намуналар синовини ўтказиш ва ишлаб чиқаришни назорат қилишнинг махсус тартибига эга бўлган газ жихозлари, сув билан таъминлаш жихозлари ва бошқа айрим маҳсулотлар бундан истисно) тарқалган.

DIN стандартларига мувофиқликни сертификатлаштириш тизими маҳсулотнинг 110 гуруҳини қамраб олган. Унга маҳсулотни DG-WK (маҳсулотни тамғалаш немис ассоциацияси) белгиси билан тамғалаш учун 15000 дан ортиқ лицензия берилган. Бу сертификатлаштириш тизимида амалдаги қоидаларга риоя қилиш мажбуриятини олиш шарти билан хорижий етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

Германияда маҳсулотнинг аниқ турларини, масалан, электротехник ва электрон жихозларни сертификатлаштирадиган тизимлар ҳам мавжуд.

Электрон жихозларни сертификатлаштириш немис электротехника ассоциацияси (VDE) қарамоғи остида фаолият кўрсатади. DIN билан келишиб VDE электротехника, электроника ва алоқа доираларида миллий стандартлар ишлаб чиқади.

Умуман олганда, Германияда турли мавқега эга кўпгина сертификатлаштириш тизимлари амалда: ўз-ўзини сертификатлаштириш, 4 ва 5-тизимлар доирасида учинчи томон сертификатлаштириши .

**АҚШ**да, Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқли равишда сертификатлаштиришнинг ягона қоидалари йўқ. Ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари ва хусусий компаниялар қошида юзлаб тизимлар амал қилади. Стандартлаштириш соҳасида ҳам ҳолат шундай, яъни стандартларни турли мавқега эга юзлаб ташкилотлар ишлаб чиқади, Шунинг учун мавжуд сертификациялаш тизимлари учун умумий мезонлар яратиш бўйича ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда синов лабораторияларини аккредитацияси миллий тизими яратилган ва сертификациялаш тизимларини рўйхатга олиш тизими яратилмоқда.

АҚШда сертификатлаштириш миллий миқёсда ҳам, халқаро миқёсда ҳам маҳсулот сифатининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу мамлакатда сертификатлаштириш мажбурийлиги ҳақидаги қонун амалда. Сертификатлаштиришнинг зарурати эса ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлашга эришишни талаб қилади.

АҚШда Суғурта компаниялар миллий лабораторияси, Америка газ саноати корхоналари лабораторияси, Небраска штатидаги қишлоқ хўжалиги техникасини синаш маркази қошида яратилган сертификатлаштириш тизимлари катта обрўга эга. Улар билан бир қаторда 2000 дан ортиқ тижорат синов лабораториялари маҳсулотнинг кенг ассортиментини стандарт талабларига мувофиқлигини синаш бўйича ўз хизматларини таклиф қиладилар.

Сертификатлаштириш амалга ошириладиган стандартлар сифатида Америка стандартлар институти UL стандартлари, ёнгиндан сақлаш Миллий ассоциацияси стандартлари ва бошқалар хизмат қилади. Одатда АҚШ меъёрий ҳужжатлари талабларини ҳисобга олмаган халқаро стандартлар ва бошқа мамлакатларнинг стандартлари сертификация ўтказиш учун қабул қилинмайди, яъни импорт қилинадиган маҳсулотнинг маълум дискриминацияси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар (ISO, ИЛАК, ЕОК ва бошқ.) билан ҳамкорлиги мамлакатда бозор муносабатлари шаклланиш даврида, айниқса, зарур бўлиб қолади. Европа ҳамжамиятининг ягона бозор "ички чегараларсиз фазо" яратиш нияти бу ташкилотлар охириги йиллардаги стратегиясини аниқлаб берди. Унинг бош йуналиши бўлиб ЕК комиссияси билан ҳамкорликда халқаро савдодаги техникавий тўсикларни бартараф қилишдир.

Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш меъёрий негизини ЎзРСТ5.0-98, ЎзРСТ 5.1-95, ЎзРСТ 5.2.-93, ЎзРСТ 5.3-92, ЎзРСТ 5.4-93, ЎзРСТ 5.5-93 ва Миллий сертификатлаштириш тизимининг (ЎзРМСТ) раҳбарлик ҳужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ЎзРМСТда куйидаги фаолият турлари назарда тутилган:

- маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;
- синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш;
- бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;
- назорат органларини аккредитлаш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаршилар, аккредитланган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) устидан инспекция назорати;
- мажбурий сертификатлаштириш қодаларига риоя қилиш устидан назорат;
- айтиб ўтилган фаолият йўналишлари бўйича эксперт-аудиторларни тайёрлаш ва аттестациялаш.

Сертификатлаштириш маҳсулот, жараёнлар ва хизматлар:

- давлатлараро стандартлар (МДХмамлакатлари);
- Ўзбекистон Республика стандартлари ва бошқа маҳсулотга бўлган талабларни жорий қилган чизмайи нашр этилган ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш органи (Ўздавстандарт) номида қўшилган сертификатлаштириш халқаро ва хорижий миллий стандартлари талабларига мувофиқлиги тасдиқни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида сифат тизимларини сертификатлаштириш меъёрий негизини ISOнинг 9000-серияли халқаро стандартлари ва ЎзРМСТнинг раҳбарлик ҳужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ISOнинг 9000-серияли стандартлар номи:

ISO-9000. Сифат умумий бошқаруви ва сифатни таъминловчи стандартлар. Танлаш ва қўллаш бўйича раҳбарлик кўрсатмалари.

ISO-9001. Сифат тизими. Лойихалаш ёки ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, монтаж ва хизмат қилишда сифатни таъминлаш модели.

ISO-9002. Сифат тизими. Ишлаб чиқариш ва монтаж пайтида сифатни таъминлаш модели.

ISO-9003. Сифат тизими. Якуний назорат ва синовларда сифатни таъминлаш модели.

ISO-9004. Сифатнинг умумий бошқаруви ва сифат тизими элементлари. Раҳбарлик кўрсатмалари.

9000-серияли ISO халқаро стандартлари ташилот (корхона)га сифат соҳасида қуйидаги масалаларни ечишга ёрдам беради:

— маҳсулот ёки хизмат сифатини истеъмолчилар аниқланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларини доим қондирилиши таъминлайдиган даражага эришиш ва уни сақлаб туриш;

— ўз раҳбариятида мулжалланган сифатга эришилмоқда ва у берилган даражада сақланиб турганлиги ҳақида ишончли таъминлаш;

— истеъмолчида мулжалланган маҳсулот сифати ва тақдим этилаётган хизмат сифатига эришилганлик ёки эришилиши лозимлиги ҳақидаги ишончли таъминлаш.

Ишончли таъминлаш агар контрактда назарда тутилган бўлса, исботларни тақдим этиш ҳақида ўзаро келишилган талаблар бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усулларининг такомиллаштириш йўлларида асосийси бу стандартлаштириш. Нефт ва газ маҳсулотлари сифатини оширишда ягона давлат ташкилий-техникавий сиёсатини ўтказиш имконини беради ва мамлакат иқтисодиётини ҳамда маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқаришнинг илмий-услубий бирлигини таъминлайди. Корхона даражасидаги стандартлаштириш сифатни бошқаришда тармоқ ва тармоқлараро даражаларнинг зарурий боғланишини таъминлайди. Стандартлаштириш тадқиқ қилиш ва лойиҳалаш босқичида, маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйиш босқичида, айланиш ва сотиш босқичида, истеъмол қилиш ва ундан фойдаланиш босқичларида зарурдир. У нефт ва газ маҳсулоти сифати ва ишлаб чиқариш самарасини оширади.

### **3.2. Маҳсулот сифатини бошқариш иқтисодий усуллар самарадорлигини такомиллаштириш.**

Самарадорлик ҳар бир ишлаб — чиқариш корxonанинг энг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. У хужалиқ юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Ҳозирда, бозор иқтисодиёти шароитида "Самарадорлик" тушунчаси, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат унимдорлигини ўсиши, фонд қайтими, фонтабеллик ва ҳақозолар самарадорлик тушунчасига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасда, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда камроқ қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз ўзмоҳиятига кўра, режадаги фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа турдаги йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қўвватлари ва ишчи кучидан унимлироқ фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардошлигини — сифатини оширишни аниқлатади.

Бу ерда "самара" , "самарадорлик" лар тушунчалар ўртасидаги фарқни ҳам аниқлаш зарурдир.

Самара — ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш — хизмат), фойда даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириши сифатсиз маҳсулот чиқишини кескин камайтириш, хаттоки энг минимал даражага етказиш, буларнинг ҳаммаси натура холида ишлабчиқариш самарасини бидирса, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У "самара" тавсифидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва мажмуа тавсифига эга.

Самарадорлик аслида чора — тадбир сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалиқ қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалиқ, илмий — техник

ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (махсулот сифатига таъсир қилмаган холда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотиши инобатга олган холда тавсифланади. Ижтимоий иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлабчиқариш самарадолигини кучайтириш, корхонанинг мувоффақиятлий фаолият юритиши, шахснинг хар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишининг сабаб ва натижаси хисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билиш ва малакаси, тажриба ва маданиятнинг, аҳоли саломатлигининг яхшиланиши ва ўртача умур кўриш даражасини ўсишида ўз ифодасини топади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи хисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини хол қилишга ёрдамлашади.

Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доираси кенгайтириш ва уларни хал қилиш имкониятини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи-фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Муборакнефтгаз УШКда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан холда, турли восита йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яний самарадорликка қисқа ёки муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан корхона олаёнган фойдасини қисқа вақт мобайнида махсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни қисман камайитириш орқали эришиш мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва хаттоки корхонанинг бозордаги урнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш-корхона раҳбариятининг энг асосий вазифалариндан бири бўлмоғи лозимдир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқдир:

- бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли махсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал хажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнларини ташлаш;

- истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган махсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

- айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш захираларини яратиш.

Хужалиқ самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган хар бири, фаолият юритишнинг турли шакил ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ходда амалга оширилади.

Моддий ва буюмлашган шаклда		Пул шаклида	
Ресурслар	Харажатлар	Харажатлар	Ресурслар
Ишчи кучи сони	Мехнат(сифат ва миқдори)	Тўланган ойлик миқдори	Мехнат ҳақи фонди
Бино, ускуна, машиналар	Мехнат қуролларининг эскириши	Амортизация фондлари	Асосий капитал
Мехнат предметлари	Истемол, талаб, материаллар ёқилғи энергия	Сарифланган материал ва х.к. қиймати	Айланма капитал
Тайёр маҳсулот	Дизайн реклама қадоклаш ва бошқа йўқотишлар.	Қўшимча харажатлар (қиймат)	Муомала фондлари
		Кредит учун фоизлар (%)	Пул маблағлари

**Жадвал.3.1.1. Муборакнефтгаз УШКда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқаси**

Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақийети гарови ҳисобланади.

Биз тақидлаб ўтганимиздек, ҳозирда мавжуд бўлган адабиётлардаги рақобатбардошлик, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, самара, самарадорлика, рентабелликка эришиш, колаверса ўзимизда ва хорижда бозор иштирокчиси бўлман деган ҳар бир корхона асосан сифат учун курашиши лозим эканини англаш қийин эмас деб ўйлаймиз.


Муборак унитар шуба корхонасида ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожлантириш, фан-техника ютуқларининг тадбиқ этиш, аҳолини турмуш тарзини яхшилашга қаратилган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилаяпти. Буларга эришишда корхонага киритилаётган янги инвестициялар, моддий техника асосини модернизация қилиш ташаббускорлик, изчиллик ва тадбиркорлик ўзининг натижаларини бермоқда.

Бизнинг фикримизча истемолчиға йўналтирилганлик корхонанинг ўз тақлифларини ишлаб чиқаришда мақсадли истемолчиларнинг манфаатларини биринчи ўринга кўйишини англалади. Бошқа томондан эса бу йўналишда корхона ҳақиқатдан ҳам тезлик билан юқори кўрсаткичга эришишни хоҳласа, истемолчилар эҳтиёжини ҳисобга олишдан ташқари, уларнинг эҳтиёжларини тўлоқ таъминлаш учун ўзининг барча имкониятларидан тўла фойдаланишлари керак бўлади.

Шу ўринда хурматли президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2011 йилдаги асосий яқунлари

тўғрисида" ги марузаларининг айрим иқтисодий кўрсаткичларига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

*“Охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда”- деб таъкидладилар Президентимиз И.А. Каримов*



Асосий макроиқтисодиёт кўрсаткичлари 2011 йил марузачининг такидлаши бўйича ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиш суръати 8.3 фоизга етди ёки 2009 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0.2 фоизга кўп бўлди, бу эса хали давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқироз даврида республикамиз президенти томонидан олиб борилаётган “ўзбек модели” иқтисодий ислохотларнинг натижаларидир.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида жадаллашган макрокүсодий ўсиш кузатилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришида — 106,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда — 106,6 фоиз, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш соҳасида — 116,1 фоизга ўсганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4
Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1

**Расм.3.2.3. Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий курсаткичлари**

Рақамларга назар ташласак беихтиёр, бир нарса бизни этиборимизни ўзига тортди. Бу эришилган мувоффақиятлар ичида иқтисодий фаолият натижалари, Республикада олиб борилаётган иқтисодиёт сиёсати тўғри йўлда эканини яна бир мартаба кўрсатиб берган.

Маҳаллий маҳсулотлар сифатини оширишнинг юқоридаги ижобий натижаларга "Муборакнефтгаз" УШК да қўшган хиссасини тахлили шундан далолат берадики маҳсулот сифатини оширишда корхонага қанча янги, замонавий технология, инновациялар киритилганлигига боғлиқ бу эса бевосита инвестициялар ва капита қуйилмалар билан боғлиқ.

Баланс бўлимлари	Сатр коди	2011 йил бошида (млн.сўм)	2011 йил охирида (млн.сўм)
Узоқ муддатли инвестициялар	030	2194.3	3585.9
Капитал қўйилмалар	100	68222.4	145777.5
Қисқа муддатли инвестициялар	370	269.5	0

### Расм.3.2.3. Муборакнефтгаз УШКнинг асосий макроқтисодий курсаткичлари

Юқоридаги жадвалда Муборакнефтгаз УШКнинг корхона Бухгалтерия баланси бўйича биринчи сонли шакл 1—январ 2011 йилдан 1—январ 2012 йил ҳолатига кўра узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 2194.3 млн.сўмдан 3585.9 млн.сўмга ошган яъни 1392.6 млн.сўмга куп маблағ жалб этилган. Капитал қўйилмалар бўйича йил бошида 68222.4 млн.сўмдан йил охирида 145777.5 млн.сўмга ортган ёки 77555.1 млн.сўм маблағ куп жалб этилган.

Ишлаб чиқаришни ривожланиши товарлар талабига нисбатан таклифни ўсиб кетиши ёки камайиб кетиши инвестицияларни йўналишини, яъни у ёки бу соҳалар ва тармоқларда унумли сарифланишини, натижада юқори даражада фойда келтиришини аниқлаб берувчи омил сифатида хизмат қилади. Айрим мамлакатларда инвестициялар ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ёки жамғарма фондидаги улуши 80 ва ундан ортиқ фоизга етади.

Айнан инвестицияларни ўзлаштириш ва инвестициялашда хатоликларга йўл қўймаслик, уларни беҳуда сарифламасликка, самарадорлигини оширишга, мамлакатга янги техника ва технологияни кириб келишига олиб келади.

## Хулоса ва таклифлар

“Нефт ва газни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини бошқариш усуллари (“Муборакнефтваз” унитар шўба корхонаси мисолида)” битирув малакавий иши бўйича **хулосалар**имизни келтирамиз:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида сифатни бошқариш истемолчилар эҳтиёжларини кондиришда асосий тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

2. Рақобатчилик шароитларида корхонанинг фойда олиш, ўсиш ва барқарорликка эришиши корхона раҳбариятини маҳсулот сифатини бошқаришнинг муаммоларини яхши билишга ундайди.

3. Муборакнефтваз УШКнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили шунини кўрсатдики, корхонада маҳсулот сифатини бошқариш ишлари ўртача даражада йўлга қўйилган.

4. Корхонада йилдан-йилга маҳсулот айланма ҳаракати, хизматларни сифати, даромадлар миқдори ва кўпгина кўрсаткичлар ўсиши ўртача даражада бораётгани яққол кўзга ташланиб турибди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги **таклифларни** киритамиз:

1. Муборакнефтваз унитар шўба корхонаси ўзининг келажакка қаратилган стратегик режасини маҳсулот сифатини бошқариш тамойиллари асосида ишлаб чиқиши зарур.

2. Маҳсулот сифатини бошқариш тизимида товарлар сифатини ошириш, рақобатбардошлик, истемолчиларни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш самарадорлик негизи эканлигини унутмаслик ва Халқаро ИСО 9001:2008 стандартдан ташқари ИСО 14001:2004 стандартига ҳам мос равишда сифатни бошқариш.

3. Корхонага юқори даражада тозаловчи экологик филтрлар, нефт ва газни чуқурлаштирилган қайта ишлаб чиқариш замонавий техника ва технологияларни киритишни лозим деб биламиз.

4. “Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўба корхонасида суялтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини ишга туширишга маблағ йўналтириш.

5. Корхона харажатларини оптималлаштириш яъни доимий ва ўзгарувчан харажатлар таркибини молиявий менежмент асосида мувофиқлаштириш ва буш маблағларни маҳсулот сифатини бошқариш бўйича инновацион лойҳаларга қаратиш ва тадбиқ этиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжатлар.

1. Ю. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, 2008 йил.

2. П. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» Қонуни, 2009 йил.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги» Қонуни, 2009 йил.

4. И. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва Қўшимчалар киритиш ҳақидаги» Қонуни, 2009 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — «Ўзинфоинвест»ни ташкил этиш тўғрисида»ги й. ПҚ-578-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20.07.2007 й. ПҚ-672-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.11.2008 й. ПФ-4053-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сон Қарорига 2-илова «Навой» эркин ин-дустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисида Низом».

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 23.04.2009 й. 120-сонли Қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига 2-илова «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси-да жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби тўғрисида Низом».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 мартдаги 61-сон Қарорига илова «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкларига кредит линияларини очиш тартиби тўғрисида Низом».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 28.11.2008 й. ПФ-4058-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини қўпайти-ришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 28.07.2009 й. ПҚ-1166-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 12.12.2009 й. ПҚ-1245-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги 28.10.2009 й. ПҚ-1213-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқ-тисодийнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини янада оширишни таъминлашга доир қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 17.12.2009 й. 316-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилда Ўзбекистон Республикасига ҳақоро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг беғараз техник кўмагини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 9 мартдаги 40-сон қарори.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

19. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

20. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. -Т.: «Ўзбекистон», 2008. -64 б.

21. Каримов И.А. “Юксак маънавият — энгилмас куч”. - Т.: «Маънавият», 2008. — 176 б.

22. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. — Т.: «Ўзбекистон», 2009.

23. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б

## **III. Китоблар ва рисоалар.**

24. Ислон Каримов. “2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Т.: Ўзбекистон, 2012 й., 11-бет.

25. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 13-б.

26. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки: “Чет эл инвестициялари диққат марказида”. «Банк ахборотномаси» газетаси, 2008 йил 28 апрел, 19-20-сон, 15-бет.

27. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. -Т.: «Ўзбекистон», 2008. -64 б.

28. Каримов И.А. “Юксак маънавият — энгилмас куч”. - Т.: «Маънавият», 2008. — 176 б.

29. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. — Т.: «Ўзбекистон», 2009.

30. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б

31. Абдуллаев Р., Асташев А. “ЕБРР расширяет финансирование частного сектора в Узбекистане”. БВВ, №102 (1211). 24.12.2009.

32. “АБР и Узбекистан готовятся к утверждению новых проектов”. БВВ, №21 (1234), 23.03.2010.

## **IV. Интернет сайтлари**

1. [www.google.ru](http://www.google.ru).

2. [www.reviem.uz](http://www.reviem.uz)

3. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

4. [www.obo.ru](http://www.obo.ru). [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)

5. [www.Management.ru](http://www.Management.ru)

6. [www.MBA.ru](http://www.MBA.ru)

7. [www.usue.ru](http://www.usue.ru). -Уральский государственный экономический университет

8. [www.ice.spb.ru](http://www.ice.spb.ru). - Санкт-Петербургский торгово-экономический институт.